

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 170 (6. 959)

1989 йил 25 июль, сешанба

Баҳоси 3 тибин

## Тонги газеталарда

М. С. Горбачевнинг Марказий телевидение мухбири билан 1989 йил 23 июлдаги суҳбати матн эълон қилинган.

«Партия ва жамият» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади. Мақолада партиянинг бугунги кунда жамиятда тугган ўрни ва роли ҳақида муҳоказалар билдирилган.

Ўзбасе кўнур ҳавасининг қончилари, «Павлоград-уголь» бирлашмасининг уч шхастаси коллективлари нига тушдилар, деб хабар беради ТАСС мухбирлари.

Ўзбекистон Министрлар Совети Москвада ўзбек маданият-ахборот ва савдо марказини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. «Правда» газетасининг унчи саҳифасидаги «Тошкентдан» Полянкага» сарлавҳали мақолада республика Министрлар Совети ишлар бошқарувчиси Н. Милкин ана шу ҳақида хикоя қилади.

Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, меҳнатқашларнинг теледиданга йўллаган мактублари, чет эллардан олинган телеграммалар берилган.

## СССР Олий

### Советининг

### биринчи

### сессиясида

СССР Олий Советининг биринчи сессияси 24 июль кунин Кремлда СССР Олий Советининг Мамлакатлар залида 43 ишнинг давом эттирди. (ТАСС).

## Газетанинг

### шу сони учун

## Дўстлигимиз

## бузилмайди

Кунин неча республика матбуотида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига Мурожаатномаси эълон қилинди. Ҳали ордан ҳеч қанча вақт ўтган бўлишига қарамай кунонча газетхонларимиз редакцияга ташириб буюриб, кўнурлар қилиб қалблариданги сўзларини яхши эшитишда, қардош халқлар ўртасидаги дўстлигимиз, биродарлигимиз заминини мустақамлигини таъкидлашмоқда.

К. АЛИМЖОНОВ, собиқ жангчи, 1-группе инвалиди.

Дарҳақиқат, дўстлигимиз бузилмайди. Бу дўстлик не-не буронларда синодан ўтиб, пулатдек обланган. Унинг 1980-81 йиллари Адғонистонда кизмат қилдим. Турли миллат вакиллари билан елкама-елка туриб интернационал бурчимизни адо этдик. Улар орасида Ўзбекистонлик бошқа халқ йигитлари ҳам бор эди. Ҳозир борди келди қилиб турмиш. Шулар мени энг оғир дамларда жанг майдонидан олиб чиқиди. Истагим, тотувлигимизга дарз кетмасин, бир оила фарзанд паридек яшайверайлик.

В. ЗАРПОВА,

халқаро классдаги СССР спорт устаси, бир неча марта мамлакат чемпиони, халқаро мусобақалар гольфи.

Бошқа жойда турган бўлсанда Ўзбекистоннинг кинди қонини тўқилган ердек биланам. Тошкент мени Иттифоққа машур қилди. Ўзбеклардан келганларнинг кўп. Ўзбек санмати эса жону таним. Кўпгина чиқиларимни ҳам шунга мослаганман. Айтмоқчиманки, ўзинг яшавтган замин халқининг тилини билиш, маданиятини ўрганиш фақат фойда деб келтирилади, келлар ўртасидаги дўстлигини мустақамлашди. Ҳамюрларимиз Ўзбекистонда қилган чекис фахрларимиз. Мурожаатномада «Дўстлигимиз ити узилмасин, қардош унинг битта-яримта чоки сўйилган бўлса, унинг ўрнини мени ҳават меҳр-муҳаббат иллари билан боғлайлик» деб айтилган гапларга ҳаммамиз амал қилайлик.

Ш. УРМОНОВ,

Республика Сатра театр партия ташкилоти котиби. — Биз М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетидан кенгашда қилган доклады ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига Мурожаатномасини қўллаб-қувватлаймиз. Ўзбек халқи ҳар қандай қийин шароитда ҳам бошқа халқлар билан ўзаро ердан ва меҳмондўстлик руҳида яшаб келган, бундан кейин ҳам ўзаро дўст бўлиб тинч-тотув яшашга партия ва ҳукуматимизнинг ишонтиришимиз. Биз санаткорлар каварида бўлмайлик халқимизнинг энг яхши фазилатларини тарғибот қилаемиз.

А. ФИЛАТОВ, собиқ учувчи.

Тошкентда яшавганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин шу орада ўзбек меланжидан оз-оз хабардор бўлдим. Кейинги пайларда Ҳанза номдаги ўзбек Давлат академик драма театр спектаклларини «таржимонисиз» томоша қиламан. Бунинг учун ўзбек тилини кунт билан ўрганишим. Бунда менга ТошДУ ўқитувчиси А. Йўлдошев устозлик қилапти. Умуман ўзбеклардан дўстларим борлигини хурсандман. Мурожаатномада айтилган гапларни мен ҳам қўллаб-қувватлайман. Дўстлигимиз абадийлигига ишонманам. Дўстлигимиз бузилмайди.

## «Оқшом»га хатлар

11 222 — «Оқшом» газеталари шу йилнинг январь ойидан то июль ойигача бўлган муддат ичда ўз мухлисларидан ана шундай миқдордаги мактубларини олди. Газетхонларнинг 8 мингга яқин хати «Оқшом» саҳифаларида босилиб чиқди. 2 мингта яқини эса жойларга текшириш учун юборилди. 1 мингдан зиёд мактубга эса тегишли жавоблар қайтарилди. Бу мактубларнинг аксарияти мамлакатимизда амалда оширилган иқтисодий ислохот, енгил сисемани қайта қуриш, шахрларнинг экологик муаммолари ва бошқа ўз ечинини кутаётган масалаларга қаратилган. Оқшомхонларимиз ана шу мазмуларни қаламга олар эканлар, бу билан улар редакция коллективининг ўзига хос ҳаммуаллифига айланиб, газетанинг мазмуларини бойитишга, янги-янги мазмуларнинг газета саҳифасига чиқишига кўмаклашмоқдалар. Ана шу босидан уларнинг бизга шу йилнинг янги йили мобайнида йўллаган аксарият мактубларидан бажонидиллик билан фойдаландик. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган мактублар ҳам редакция почтасига келган хатлар ичидан саралаб олинди.

Кенгашининг аъзоси сифатида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Мухаррам ХОЛМУХАМЕДОВА, муаллима.

## Авалло тайёргарлик керак

ЎЗБЕК тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги лойиҳада — республика территория, граждандлар, статус, конституцион, автоном, статистика, протокол каби ўнлаб сўзларни ишлатишнинг ўзи тилини мукаммал билмасликдан далолат беради.

Энди қонун лойиҳаларининг баъзи боблари хуусидаги фикрларини айтмоқчиман. 1 бобнинг 1-моддасида ўзбек тили давлат тили деб, шу бобнинг 3-моддасида рус тили миллатлараро тил деб қайд қилинган. Аммо IV бобдан бошлаб IX бобгача дерадлар ҳар бир моддада амалда оширилган ишлар ўзбек ва рус тилида олиб бориш кераклигини таъкидланади. Қани бу ерда мантинг?

Тил ҳақидаги лойиҳада ўзбек тилига фан, тиббиёт, маиший хизмат, қонуносллик ва ҳоказо қачондан ва қай тартибда ўтиши аниқ айтилмаганлигидир.

Сир эмаски, бу айтиб ўтилган соҳалар бўйича, умуман тараққиётнинг ҳар қандай соҳаси бўйича (ўз адабиётимиз бундан мустасно) ўзбек тилида иш юритиш учун ҳали етарли даражада шарт-шароит мавжуд эмас. Махсус адабиётлар, лугатлар, фанлар бўйича қўбунномалар ҳали тўлиқ яратилган эмас.

Шунинг учун ҳам, ана шундай шарт-шароитлар яратишга бироз бўлса ҳам вақт ажратиллири керак. Бу вақт ичда маълум соҳалар бўйича таниқли олимларимиз тилшунос ва адабиётчилар билан ҳамкорликда соф ўзбек тилида иш олиб бориш учун фанлар бўйича лугатлар, махсус адабиётлар яратилса, Албатта, бу ажратиларидан вақт, соҳанинг мураккаблигига қараб икки йилдан (масалан геология ва кон саноти, энергетика, маъданшунослик) то тўрт йилгача (тиббиёт, машинашунослик, техника фанларининг барча бошқа соҳалари) бўлиши керак. Тўрт йилдан кейин эса бутун Ўзбекистонимизда ўзбек тили ҳамма соҳаларда ишлатилиши керак.

Раҳимжон СИДДИҚҲУЖАЕВ, Урта Осн давлат илмий-текшириш ва газ санаятини лойиҳалаш институтининг катта илмий ходими.

## Хотиралари ҳамон ёдида

ПОЯТАХТДАГИ 102-махсус занф эшитувчи болалар мактаб интернатига уруш ва меҳнат ветеранларини тақдир қилиш аниъана айланган қолган. Навбатдаги учрашувда азиз меҳмонлар орасида 253-алоҳида ўқчи бригадаси 2-батальонининг миномёт батареяси командири, подполковник Рашид Қанонов ҳам бор эди. У киши йилдангиларга ўз хотиралари, фронтда босиб ўтган оловли йуллари ҳақида гапириб берди.

Жанговар фаолиятинг Воронеж фронтдан бошланган, — деди у. — Курс, Харьков, Белгород, Полтава, Волуйка, Мерфи, Чугуев, Ровно ҳамда Украина республикасининг кўплаб шаҳар ва қишлоқларини босқинчилардан озод қилишда қатнашдим. Воронежда Давидовка станцияси бор. Шу ерда бориш учун мина ва снарядлар ортидан араваларни ўрмон ўртасидан олиб кетаётган эдик. Шу пайт ўрмон тепасидан немис самолётлари насллаб учиб, пулемётдан ўққа тутиди. Бир пайт мина солинган ишлар ена бошлади. Мен қаққонлик билан шинеленимни ечимда, жон аччирида оловни ўчира бошладим. Ёнғиннинг оиди олинди. Бу билан миналарни портлашдан, солдатларнинг эса ҳаётини сақлаб қолган эдим.

Харьков областининг Мерифа шаҳрида душман билан тўқнашишга тўғри келди. — деб хикоясини давом эттирди у. — Миномёт батареясини ишга солиб, бир қанча ҳарбий қисмлар, бирлашмалар билан немислар ҳужумини қайтарётган эдик. Шу пайт жанг майдонида ярадор майорга кўзим тушди. У зўр бериб: «Мени ҳам бирга олиб кетинглар ёки немисларга қолдирмай отиб ташланглар». — деди. Енгил турган ўқлар остида уни икки солдат билан олиб чиқа бошладик. Қанча йўл босганимизни эслаб олмаيمان. Бахтимизга ўрмон ёқасида санитария батальонининг араваси турган экан, майорни амаллаб аравага солидик-да, ўзимиз яна олға талипиндик. Бундай воқеалар кўп бўлган...

Ватан ўғлини Рашид Қаноновнинг хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Унинг кўксини бир қанча жанговар орден ва медаллар беазаб турибди. Рашид ака истефого чиққандан бери Киров район ҳарбий комиссариатда ҳарбий ватанпарварлик ва байналмианд тарбия секторининг жамоатчилик асосида бошқариб келаяпти. Уруш ва меҳнат ветеранлари

## Мард йигитларимиз қани?

УШБУ мактубни ёзишдан мақсад, йигитларимиз ҳақида фикр юритмоқчиман. Унча кўп ўйладим. Баъзиларининг ноҳия қилишларини кўриб, ёзишга мавжуд бўларкан одам. Яқинда 35-автобусда кетаётсан, биланлари кучга тўлган икки йигит тўқнашган фойдаланиб ёнимдаги қизнинг чўнтагига қўл солди. «О!» лари юришмалди шекилли, уни қўйиб эшик олдида тушишга тайёрланди турган бошқа қизнинг олдида боришди. Бирининг қостоми чўнтагига қўл солди, у пулни чўнтагига солган экан. Кейин сезиб қолиб йигитга: «Пулними қайтиб беринг», деди. Чўнтакка эса ҳеч уялмасдан: «Мен олганим йўқ», деб жавоб берди. Автобусда шунча одам, аксарияти йигитлар ўтирибди. Қани биронтаси индасди Ҳайдовчи ҳам кўра-била туриб «ғиш» этмади. Бечора қиз бекатида бир аҳолида тушиб кетди. Бир аёл: «Пулни берсанг бўлар эди, болам» деса ўқрайишиб, «Ишнинг бўлмасин!» деб жеркиди. Бу ҳолини биринчи марта эмас, дерадлар кўчи кўраман.

Шунда ўйлаб қоламан, Мард йигитларимиз қани? Наҳотики бир-бири чўнтаккасининг тазвирини бериб қўйишга уларнинг кучлари етмасди! Уларнинг ҳам сингиллари борлар. Уша қизнинг ўрнига кўп қўйиб қўришсин. Е шунда ҳам виждонларини «қилт» этмайдики? Одамларга нима бўлган? Нега жуда ҳам лоқайд бўлиб кетишпти? Нега ҳамма фанат ўзини ўйлайдиган бўлиб қолган? Нега чўнтаккасарлайга қарши қатъий чора қўрилмапти? Улар орасида хатто 30-40 йиллардан кишиларини кўриб нафратланиб кетсан.


Гавҳар ХОЛЖИГИТОВА.

## «Обуна мумкин эмас, дейишди...»

«Мен «Тошкент оқшом» газетасига нийҳонда қизқанам, Унда айниқса «Адабиёт ва санъат» саҳифаси ва бошқа мазмуларда бериладиган мақолалар менга жуда ёқди. Шу сабабли «Оқшом» газетасига «Союзпечать» ходимлари «Обуна мумкин эмас, кинскадан олинг», дейишди. Бу қандай тап?

А. БЕГМАТОВ, Навоий район, Кармаша шаҳар, Баҳор кўчасидаги 30-уйнинг 11-хонасида яшовчи.

РЕДАКЦИЯДАН: газетхон А. Беғматовнинг мактуби яқкаю-ягона эмас. Шу кунларда редакция почтасига келаятган ўнлаб мактубларда мухлисларимиз «Тошкент оқшом» газетасига обуна расмийлаштириш пайтида сансалорликка дуч келаятганликларидан қаттиқ ранжиётганликларини ёзмоқдалар. Шу муносабат билан биз жойлардаги «Союзпечать» ходимлари ва жамоатчи матбуот тарқатувчиларнинг эътиборига «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталарига мана тўрт йилдирки СССР Алоқа министрлиги ва Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг рухсати билан республикамизнинг турли бурчакларидан, шаҳар ва қишлоқларидан яшовчи аҳолидан бу газеталарга чекланмаган миқдорда обуна расмийлаштиришга ижозат берилганлигини яна бир бор етказиб қўймоқчимиз, улардан «Оқшом» газетасига обуна расмийлаштиришда сансалорликка йўл қўймасликларини илтимос қиламиз, мухлисларимиздан газета обунасига монелик қилинаётган ҳоллар тўғрисида бизга зудлик билан хабар беришларини сўраймиз. Ўз навбатида биз ҳозир барча газета ва журналлар қатори «Тошкент оқшом» газетасига ҳам 1990 йил учун обуна қизгини кетаётганлигини мухлисларимизга яна бир бор еслайтиб ўтамиз. Газетага республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан яшовчи ҳар бир оқшомхон чекланмаган миқдорда обуна бўлиши мумкин. Газетанинг обуна индекс — 84690. Бир йиллик обуна баҳоси — 7 сўм 92 тийин, олти ойга — 3 сўм 96 тийин. Янги шу кезларда газетага обуна расмийлаштириб қўйсангиз кўнглингиз хотиржам бўлади. Шунда келаси йилнинг биринчи январидан бошлаб йил бўйи «Оқшом»нинг 300 та сонини ўқиб ижновиятига эга бўласиз.



«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг асбобсозлик ҳеҳида кўлаб ўз касбининг усталари меҳнат қилишди. Улар махсус ҳеҳлар учун асбоб-ускуналар ясамади. Б. Ф. Берсенов мазкур корхонада 30 йилдан буюн меҳнат қилиб келаяпти. Унинг ҳамкасби Э. Иброҳимов ҳам

## Абитуриент—89

# Интиланганга толе ёр

Урта мактабни олтин медали билан битирган 25 ўқувчи Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига биттадан имтиҳон тошириб, ҳозирда оқшом студент бўлишга истагидан синаовдан ўтаётган 10 минг нафарга яқин йигит-қизлар ана шундай дамларини орақиб кутмоқдалар.

Студентликка даъвогарлардан фақат 1675 нафар йил қабул қилинади, — деди институт ректори. — қабул комиссиясининг раиси Комил Юсупович Юсупов. — Шулардан 166 киши тайёрлов гуруҳларидан ўтшади. Қўриб турибсизки, конкурс катта. Ота-оналарга ўз фаолиятини ҳақида маълумот бериш, улар ўртасида норозилик кайфияти бўлмашлиги учун ошораликка эътиборни кучайтираемиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, имтиҳон олувчи ўқитувчиларнинг рўйхати партия йигилишида муҳокама қилиниб, тасдиқланади. Имтиҳонларда мактаблардан тақдир этилган педагогларнинг албатта иштирок этишига алоҳида эътибор берилаяпти. Ота-оналардан иборат жамоатчи комиссиялар тузилган катта аҳамиятга эга бўлди. Улар имтиҳон олдига етганда бемалол аудиторияга кириб, фарзандларнинг билими қай даражада эканлигини ўз кўзлари билан кўрмоқдалар.

Қабул комиссияси абитуриентлар учун махсус қўлашмалар чиқарди, олинган ўқувчига кириш қондалари, конкурс шартлари, бериладиган имтиҳонлар ҳақидаги инструкциялар қўринадиган қўлиб осиб қўйилди. Шунга қарамай, ректорат, партия ташкилоти ва қабул комиссиясининг вакиллари ташкилотида абитуриентлар, уларнинг яқин кишилари билан учрашувлар уюштиришайпти. Бунда кўп масалалар ойдинлаштирилади. Қизим Дилором тарих имтиҳондан ўтолмади, — деди суҳбатлардан бирини хоразмлик Маҳмад Саидматов. Уни кечки, сиртки ёки тайёрлов бўлимига киритишнинг иложи борми? — Сиз кеча ҳам мурожаат қилган эдингиз, — деди шиконт комиссиясининг раиси, доцент Тўхта Қурбонович Қурбонов. — Биз бу абитуриент тўғрисида, имзо чеккан сарвақон қўздан кечириб, баҳо тўғри қўйилганини аниқладик. Кечки ва сиртки бўлимларга студентлар қабул қилиб бўлиди. Тайёрлов бўлимига эса камиди 2 йиллик амалий иш стажини бўлиши зарур. Қизингиз яхши тайёрлини келса, келаси йили ўқишга кириши мумкин.

Қабул комиссияси бу кампанияга йил бўйи тайёргарлик кўради. Бўлажак мутахассисларни институт ҳаёти

билан яқиндан таништириш мақсадида мактабларда суҳбатлар ўтказиш оdat тусига кириб қолган. Ҳозир педагогик кадрлар этиштирувчи маърифат масканида 12 факультет ва тайёрлов бўлими бор. Мингта яқин малакали ўқитувчилар, улар орасида таниқли олимлар ёшларга таълим-тарбия беришпти. Бу йил абитуриентларни яхши қутиб олиш учун олдиндан шароитлар муҳайё этилди. Бошқа шаҳар ва об-ластлардан келган йигит-қизлар ётоқхоналар билан таъминланшди. Имтиҳонларга зарур қўлашмаларга эга бўлган ўқув заллида тайёргарлик қўришайпти. Уларда айниқса, тарих, ўзбек тили ва адабиёти, бошланғич таълим методикаси, ўзбек мактабларидан рус тили ўқитиш, мактабгача тарбия қилиш бўлимларга интилиш катта. Бу жойларда бир ўринга ўртача 6-7 кишидан тўғри келаяпти. Кооперация пани бўйича Москва Давлат педагогика институтини, Доцент Давлат университети, Симферополь Давлат университети, Владимир Давлат педагогика институтини ва қатор қардош республикалардаги олий ўқув юрталари ҳам кириш имтиҳонлари қабул қилинаётганини айтиб ўтиш керак.

Синовнинг биринчи тури якунланай деб қолди. Шиконт комиссияси ҳар бир аби-


туриентнинг билимига яраша баҳолашнинг эришмоқда. Имтиҳон қабул қилинаётган аудиториялардан қимдир хурсанд, яна биров маънос бўлиб чиқаяпти. Уларнинг ҳеҳрасидан қандай баҳо олганини ўқиб олиш қийин эмас. Баҳолар рўйхати ослган тахтани қўздан кечираётган қизларини суҳбатга тортиди.

Мен Сурхондарё облас-тининг Денов районидан келганман, деди улардан бири ўзини Мавлуда Ҳайитова деб таништирар экан. — Она тили ва адабиёти факультетига кираялман. Биринчи имтиҳонда ишю Эдик, Мана, рўйхатда қўриб турибсиз, «4» баҳо қўйишди. Жуда мамнунман.

Енингиздаги қиз дутонангизми?

— Ҳа, бир колхозда яшай-миз. Ҳақида рус тили ва адабиёти институтига ҳужжат тоширган. У ҳам биринчи имтиҳондан «4» баҳо олди. Шу кунларда қайси билим масканида бўлиманг, шунга ўхшаш суҳбатларнинг тубохи бўласиз. Келишканга умид билан қарайтган ёшлар турли мутахассисликларни ағалаш мақсадида билим, ирода ва маҳоратларини синаовдан ўтказмоқдалар.

С. ШОДИЕВ. СУРАТЛАРДА: қабул имтиҳонларидан лавҳалар. Ҳ. Мирзақаримов суратлари.



ИСТАМБУЛ. Истамбул Давлат хавфсизлиги суди Туркиянинг мана шу энг катта шаҳридаги Биринчи Май намойиши қатлашчилари ва ташкилотчиларининг иши юзасидан айбланган 32 кишидан 24 кишини ҳибсдан чиқариб юборди. Судининг бўлиб ўтган

мажлисида айбланувчиларнинг сўзлари тингланди. Улардан бири — Шехер Шен ўз сўзида, менинг фикримча тинч намойишга қурол ва таёқлар билан ҳужум қилиб, 18 яшар Меҳмет Далжини ўлдирган полициячилар қора курсида ўтириши керак эди, деб айтди.

вушдан тез учадиган транспорт самолёти ҳозирча ларнинг орзуси бўлиб турибди. Самолётларнинг янги туркуминини яратиш мумкин, аммо бунинг Даличини ўлдирган полициячилар қора курсида ўтириши керак эди, деб айтди.

мураккаб технология муаммолари ҳал этилиши керак. «Боинг» корпорацияси юксак тезликдаги коммерция транспорт программасига оид тадқиқотларнинг раҳбари Майкл Хендерсон шундай деб ҳисобламоқда.

Билдириш Газетхонларнинг илтимосига мувофиқ Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси муҳокама бўйича меҳнатқашлардан ва аҳолидан олинётган мулоҳазалар ва тақдирларнинг умумлаштирувчи ишчи комиссияси 700008, Тошкент — 8. Намойишлар ҳеҳбониди 5-уйда жойлашганлигини маълум қиламиз.

«Тошкент оқшоми» рейди

Бободехон саратоннинг исмида ҳам даласини тарқатаётган, эл дастурхонини тўқин қилиш илмида тоғ саҳардан туни қоронғусига пайкал оралиқди. Етиштирилган ҳосилга меҳр билан қўй тикиди. Фарзанди каби ардоқларга дала ва боғлари унга ўзининг бутун оқил-дастурхонини тўқиб ташлади. Ҳосилни қўзини қамаштириб қўйди, инсон меҳрига қонган экин майдонлари қўзини қамаштириб қўйди тароват касб этди. Бу боғларнинг, помидорнинг файзи эндиликда шаҳарга ҳам кўчмоқда. Яқиндагина Тошкент кўчаларида пайдо бўлган «Қизил қаров»лар бозорларга кўт-баракка киритди. Мена ва сабзавот

дўконларининг пештахталарини беэди. Аммо барбир бу икки миллиондан азият шахримиз учун дарадан бир томчи, холос. Ҳамма жойда, ҳар бир бозор ва унинг филиалларида деҳқоннинг шаҳарга амалий мадади сезилди турди. Қишлоқликларнинг эҳтижидан ортгани бозорлар орқали шаҳарликлар дастурхонига етиб бормоқда. Шундай экан, шаҳар бозорларининг бутунга аҳоли қандай? Уларда деҳқонлар учун қулай шартнолар яратилганми? Бозордан деҳқоннинг кўнгли тўлаётми? Еки шартно йўқлигидан бор моддини кўтарасми олиб-сотарга бериб кетаятми? Нарх-наво нега ботари?

дан кейин ҳандалакни истъмола қилган одамга қийин... Ахир унда нитрат миқдорини камлигига ҳеч ним қаролма бера олмади. Биргина бу эмас, наторатнинг сустиги оватланиш шохобчаларига ҳам салбий таъсир этмоқда. Бозорнинг бир бурчагида сомса ва пирожки сотаётган аёл аввалги ўзининг қимлигини, қайси ташкилотда ишлаганини бизга айтишни истамасди. Унинг эғиди на оқ ҳалати, бошида на оқ қалпоғи бор эди. Сотувчининг бу аҳолида одамларга бемалол хизмат кўрсатаётгани бизни таажубга солди. «Чилонзор» ресторанига қарашли дўконда Люда Ури-вская сотувчилик қилаётган экан. У ўз хати-ҳаракатлари билан оддий санитария-гигиена нормаларига хилоф равишда рўй этатганини тушунишни истамасди. Ресторанга қарашли кафе ҳам ҳали ҳўрандалар талабини қондирадиган даражада эмас. Турғи, унинг ичи шинам ва ораста. Бирок столларнинг устида оддий салфетка қўйилмади. Бурчақдаги чойхонада эса иссиқ ва яхна қойдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Совутиш ускунаси эса бўм-бўш, ҳўвиллаб ётибди. Унда на чанқовбосди ичмлик, на «Тошкент суви» бор. Ахир бозорга келиш-кетувчиларнинг аксарияти шу ерда тушлик қилганидан кейин уларга шарт-шаронт яратиб қорасини ҳам жиддийроқ ўйлаб кўриш керакда.

ринглар. У ерда филдализм бор. — деди бизга йўл кўрсатиб. Кассир-контролёрнинг айтганини қилишдан аввал бу ердаги шарт-шаронт билан қизидик. Билсак, ноқулай жойга қўрилган бозорнинг ўзига яраша ташвишчи ҳам йўқ эмас экан. Унинг ичида бирорта ҳам тамадди қиладиган жойни топа олмадик. Савдо қилиб ўтиргайлар амаллаб тушликни ўтказишпти. Район марказидаги ошхонага бориб келишимиз эса ўзи бўлмади. Тушлик қилмади деб деҳқон қимматли вақтин бий бериши, яна йўл азобини тортиши турган, гап. Назаримизда Сергели район ошхоналар трести (директори Р. Аҳмедов) бозорга ўғай муносабатда бўлишга ўхшайди. Акс ҳолда бозор ичида ўтган йили ёнғиндан зарар кўрган ошхонанинг қурилиши шу маҳалгача пайсалга солиб келинмаган бўлар эди. «Сергели» бозорининг филиали шуноққина катта йўлнинг бўйида. Транспорт қулай бўлгани учунми у ерга келиб-кетувчилар доимо кўп бўлади. Филдализм артаю кеч одам аримайди. Уларнинг қўлтигидан 120 ўришли усти ёпиқ раса аҳоли эҳтижига кифой қилмай қоляпти. Пештахтадан жой тегмағайлар йўлакларга ўтириб олиб ўз маҳсулотларини сотиш билан машғул. Аксарият деҳқонлар бу ерга узокдан келишган. Филиалнинг қулайлиги, шарт-шаронтларига ўғраниб қолишган. Шу босидан ҳам шаҳар марказидаги бозорларга

ТОШКЕНТГА қадим ранкида этган ҳар қандай ҳориний сайёҳ ёки бошқа шаҳарлик меҳмон аввало бозорлар билан танишишга эваз этди. Бозорнинг тўқинлигини кўриб, оқилдустурхондай турланаётган ранг-баранг пештахталардан кўз узолмай қолади. Ҳозир ҳам шаҳримиз бозорлари ўнда ана шундай сифатларни сақлаб келмоқда. Бу ерларга ташириб етвчилик халқимизнинг турмуш тарзи билан бозор расталари ва пештахталарини айлантаган чоғларидек яқиндан танишиб олмақдалар.

«Фарҳод» бозори (директори Ш. Миросулпов)га келиб келгучиларнинг ҳозир савдога етиш йўлини, Бу ерда кўп одадда оддий қуналар ҳам одам кўриб бўлади. Шанба, якшанба кўнлари эса оёқ босишга жой топишимиз ўзи амри-мажбури. Навбатдаги дам олиш кунлари ҳам «Фарҳод» бозорида ана шундай аҳолини кузатиш. Бу ер одадидан анча гавжумлашиб кетган эди. Ҳар ким ўзи билан ўзи овера. Кимлардир усти ёпиқ пештахталарда аҳолининг ҳолатини чиқариш билан банд. Бошқа бировлар эса шаҳарга келганига пўшаймон қилиб, кўннинг исмида очиб йўлда олиб келган маҳсулотларини сотиб ўтиришпти. Улар бошларидан қўннинг жазирама исмига олов пўраётганига парво ҳам қилмашди. Дарвозадан ичкарига уришиб-суртишиб аранг кириб олдик. Уи қадамча ҳам юрмай терлаб-потишиб кетган деҳқонга кўзимиз тушди. Уни гапга солдик.

— Ҳорманг, отахон! Бозорингизга баракка. — Раҳмат, Баракка топилгилар. — Помидорнинг бир килоси қанча бўлди? — Саранс 1 сўм 30 тишин, майдароғи 1 сўм. — Нархи сал баландроқми? — Меҳнатига қараб-да, ука! Кўннинг исмида бу ерга келиб ўтиришимиз ўзи бўладими? Қоляверса, йўл ташвиши деган гап ҳам бор.

Сўхбатдошимиз ҳақ эди. Саратоннинг офтобда сарғайиб ўтиришининг ўзи бўлмайди. Аммо бу барбир нарх-навога сабаб бўлмастлиги керак. Бозордаги аксарият мева ва сабзавот маҳсулотларининг нархи осмонда. Уларни нима учун бу нархда сотаясан, ахир ҳаммаёқ мўл-кўчлик, тўқин-сочинлик бўлиб ётибдику, дейдиган жонқуярининг ўзи йўқ. Паттачилар пул йиғиб, планини тўлдириб ташвиши билан банд. Уларни деҳқоннинг қай аҳолига тушганлиги, қандай шаронда ва нархда савдо қилаётгани сира ҳам қизиқтирмайди.

— Бундан 15 йил аввал ариманга пулга бутун ҳафталик рўзғорини қилиб кетиши мумкин эди, дейди тошкентлик ишчи Мутал Аббасов. — Энди эса аксинча: ойликка кун кўрвун киши бозорнинг яқинига йўлга олмайдди. Тўғри, «Қозонда» бори чўмичга тушади» деган гап бор. Аммо бу ҳикмати бозордаги таъсирини ёки ҳавоний нархга тенг қилиш инсофдан эмас. Ахир нархнинг юқори бўлиши, халигача арзонлашмаётганининг ўзига яраша сабаблари ҳам йўқ эмаску. Мана бозорга келган деҳқон ёки колхозчининг туғи шаронтининг олайлик. Пештахта олдига эрталабгача мунағайиб ўтириб чиқади. Етадиган жойи йўқ.

Дарҳақиқат, деҳқон учун бошпана жуда муҳим. Кўни билан силласи қўриб, тунари ҳам ана шу кўйга тушган одамнинг ташвишини тасаввур этиш осон эмас. Афсуски, шу пайтгача «Фарҳод» бозорида «Колхозчилар уйи»ни барпо этиш масаласи пайсалга солиб келинмоқда. У 1972 йилда Бешқор бозорининг филиали сифатида ташкил этилган эди. Аммо йиллар ўтиши билан бу ерда мустиқлик сари дадил қадамлар қўйилди. Ҳам майдон яхшилатди, ҳам келиб-кетувчиларнинг сови жахтидан бозорда кескин ўсишлар рўй берди. Эндиликда бу еринг аҳоли гавжум жойлардан бирига айланиб қолганига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Кўнлик тилига тушган, ҳатто республикамизнинг чекка қишлоқларидан ҳам маҳсулот оқиб келаётган «Фарҳод» бозорида «Колхозчилар уйи»ни ташкил этиш масаласи шунча вақтдан бери ҳал этилмапти. Бозор маъмуриятининг қайта-қайта қилинган талаблари район ижроия комитетида йиллаб ўрганилмай қолди кетди. Шу йилнинг бошида Амал Икромов район ижроия комитети (рай-

донлаштириш ишлари туфайли бирмунча ўзгаришлар қилишга эришилди. Тарвуз ва қовун сотишга мўлжалланган ҳар бири алоҳида 100 ўришли ёпиқ қўриқди. У бир кўннинг ўзида 500 тонна қовун-тарвузни қабул қила олади. 400 миң сўмлик реконструкция ишларидан сўнг бозордаги 150 ўришли бостирма яна 360 ўрига кўпайди. Ҳозир Бирлик массивида «Фарҳод» бозорининг филиали қурилмоқда. Қилинаётган ишлар яхши, алабта. Бирок кўнига мингта яқин деҳқон келиб кетадиган бозор учун бу ўзгаришлар кифой қилармикми? Хизмат маданиятини ошириш масаласи ҳам бозорда муҳим муаммо бўлиб турибди. Ахир тор жойда хизмат маданиятини ошириш тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин. Расталар орасидаги одамларнинг юришига мўлжалланган йўлакча тўлиб кетган. Унга яқин йўлаб бўлмайди. Бу ноқуш манзара одамнинг дилга гашлик солади. Тўғри, «Фарҳод» бозори алақачон қўриб бўлинган. Энди уни кенгайтиришнинг имконияти йўқ. Аммо бу ҳол шаронтин яхшилашга, оддий тарбиини тўла қарор топтиришга ҳеч қандай монелик қила олмайдди.

Ҳандалак сотиб ўтирган аёл бирдан ўзини ноқулай сезди. Бизни қўриб-кўриб устини ёпиқ маҳсулотини яшириш пайига тушиб қолди. Суруштирак, Мавжуда Ўсорова ҳандалакларни лаборатория анализидан ўтказмай бемалол сотаётган экан. У ўзида бундай справка борлиги тўғрисида аввалгига бизни ишонтирмоқчи бўлди. Справкани бошқа одамда экан: у ҳам бўлса қишлоқдан ёздириб олинган. Афсуски, шу қатордаги бошқа баъзи бир деҳқонлар ҳам лабораториянинг справканини олмади, савдо қилиб ўтиришпти. Уларку ишнин битириб жуфтанин ростлаб қоляшади. Бирок эрта-

ҳар қандай одамнинг унга кириб-чиқishi шубҳасиз. Аммо дўкон харидорсиз ҳўвиллаб ётибди. Чирган ва курт еган олмаю, сарғайиб кетган бодиринг синдири тўрт-беш хил маҳсулотлардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Амал Икромов район улгурчи-чакана савдо мева ва сабзавотчилик комбинати раҳбарлари бу аҳолини қандай изохларнинг кўзчилик билан қилган сўхбатларимизда, бозорга мол олиб келиш тобора қийинлашиб бораётганини айтишди. Бозорга хизмат кўрсатувчи машиналарнинг ҳўжалик ҳисобига ва ижара пудратига ўтганидан кейин бу аҳоли кўпроқ рўй бераётганини яшириб ҳам ўтиришмади. Машинани ўзини қилиб олган ҳайдовчилар эндиликда олдингидек маълум маршрутлар бўйлаб йўлга эмас, балки узок сафарларга машица қилловини буриб юборишга эмиш. У ҳолда ижара пудратига аҳолига ҳеч қандай наф келтирмайдику! Машиналар қатъий графикалар бўйича ҳам ташвиши йўлга қўйса бозорга келаётган кўнлик. Бу деҳқонга бўлган шаронтин яхшилашга ердан берибгина қоляй, бозордаги нарх-навонинг тушишига ҳам ижобий таъсир этади.

нисбатан «Сергели» бозори филдализм бўлиши ўзларига эп қилишади. Филиалнинг ўнғайлиги учун ҳам бунга одадланиб қоляшган. Филиалда йўлга қўйилган ижмоатчилик назорати бозордаги аҳолини яхшилашга, нарх-навоини ўрганиб бориш ва шу асосда мувофиқлаштиришга ердан бермоқда. Меҳнат ветеранлари, пенсионер отахонлардан иборат бўлган ўн вақим муаммазо ва ишга бош-қош бўлиб турибди. Белгиланган кўнларда навобачилик қилинмоқда. Аҳоли талабини ўрганишга қўйилди. Ҳа вақтида меҳмонларга ердан бериш чораларини кўрмоқдалар.

«Сергели» бозори (директори А. Қодиров)га кириб борган вақти-миз айни савдо-сотик қизган маҳалга тўғри келди. Бирок райондаги бу ягона йирик бозор ҳўвиллаб ётибди. Пештахталарнинг учан икки қисми бўм-бўш. Бир қисмида эса ўттизга яқин деҳқон савдо қилиб ўтирибди. Бизни контролёр-кассир Анди на Тейга ноқуш қарши олди. Муддаомасини эшиттач, бозорнинг ноқулай жойига жойлашганини, шунинг учун ҳам бу ерда кам одам бўлишини тушутириб кетди. — Яхшики «Сергели»-3» массивига бо-

уаммо бу ерда ишга ҳалақит бераётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Кейинги вақтда ортича рейдлар қўйлаб кетмоқда. Ўттизга яқин ташкилотлар, турли текширувчилар бу ерга тез-тез келиб-кечиб туришади. Уларнинг бирини кузатиб улгурмасдан, иккинчисин пайдо бўлапти. Бозор ҳодимларининг аксарият вақти шу текширувчилар билан шуғуллавишга кетиб қолмоқда. Улар билан бўлиб ўз вақтларини беҳуда ўтказишпти. Бунинг ўрнига бозор ҳодимлари ўзларига тегишли масалалар билан шуғуллавишга айни муддао бўларди. Тўғри, Назоратнинг бўлгани яхши. Биз бунга қарши эмасмиз. Аммо битта бозорга шунчалик кўп ташкилотларнинг «ағалик» қилишига зарурат бормикан? Бу масала ҳусусида жиддийроқ ўйлаб қўрайдиган вақт келди.

Бозорлар ҳалқ турмуш тарзини белгилайди. Шундай экан, ундан ҳеч кимнинг қўнгли тўлмай қайтмасин, шаронтидан зорланмасин. «Тошкент оқшоми» рейд бригадаси: Т. ТОШЕВ, Р. АҲМАДАЛИЕВ, Т. ҚАРИМОВ.

Бозордан деҳқоннинг кўнгли тўлаётми?



СУРАТЛАРДА: 1. Тор жойдаги томоша, деб шунга айтсалар керакда, «Фарҳод» бозорида пештахта етишмаслиги туфайли бозорга келганлар жазирама офтобда, оёқ остида савдо қилишпти. Йўлнинг энчилигини магазинга ўтиш ҳам амри маҳол.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон бўйлаб

● ПРЖЕВАЛЬСК. Тоғда жойлашган Искриўда келтирилган янги меҳмон — рангдор гулмоҳи унинг экология мувозанатини бузмади. Бу балқидарни Швециядаги «Альфа лаваль эво» фирмаси тайёрлаган жуда катта каттада етиштира бошлаганди. Металл ва қуровдан ясалган 12 миң куб метр ҳажмли улкан комплекс механизация ва автомат воситалар, компьютер техникаси билан жиҳозланган. Қўлга туширилиб, қирғоқ яқинида маҳкамлаб қўйилган бу комплекс ҳар икки йилда саноат усули билан икки юз тоннадан тансиқ маҳсулот тайёрлашга программа-лаштириб қўйилган. Бу ерда балқидарни талабга жавоб берадиган даражада семиртириш учун Ўзбекистондаги ИХТИСОСлаштирилган завод Япония технологиясига асосан тайёрлаётган озукадан фойдаланишпти.

● ХОРОГ. Баланд тоғ тепасидаги Шохдарё дарасидан бир йўла бир неча қишлоқдаги уйларда рангли телевизорларнинг экранлари шуьла соча бошладди. Космик алоқа область станциясининг мутахассислари «Экран» системасидаги кучли регенератор ўрнатиб узок қишлоқлар аҳолисига марказий телевидение программа-ларини томоша қилиш имко-

Турфа олам 12 киши ҳалок бўлди

АБУ-ДАБИ. Мусулмонларнинг муқаддас жойларини зиёрат қилиш учун Саудия Арабистонига келган ўн икки нафар покис-тонлик офтоб ўршии оябидида ҳалок бўлди. Матбуотда хабар қилинишича, июль ойида қўёш тафтининг ҳақдан ортиқ қизиб кетиши натижасида ўнлаб одамлар вафот этганини қайд қилинган.

Июль ойи Саудия Арабистонинда энг иссиқ ойлардан бўлиб, бу ерда баъзи кўнларда ҳаво ҳарорати сойда 50 даражага етди. Бирлашган араб амирликларининг газеталари ҳар кунини жазирама иссиқнинг янги қурбонлари ҳақида хабар берапти. Очиб ҳавода ишлайдиган бир неча қурувчи оламдан ўтган, иш кунини тоғти соатлар билан чекланди.

287 метрли гилам пояндоз ХЕЛЬСИНКИ. Финляндияда жаҳонда энг узун пояндоз тайёрланди. Унинг эни 80 сантиметр, узунлиги эса 287,05 метрни ташкил этади. Пояндозни бешта тўқимачилик корхонасининг 30 нафар тўқувчиси бир ҳафта мобайнида тайёрлади.

Финляндия гилам тўқувчи аёллари қўлда тў-

Миллионер суд қилинади

НЬЮ-ЙОРК. Саудиялик мулти миллионер Аднан Хашогги қўлига кишан солиниб, полиция соқчилигида Швейцариядан АҚШга олиб келинди. Бу ерда у тўвлама-чиликда айбланиб суд қилинади.

Хашогги, газеталарда таъкидланишича, бир қанча битимларни тузишда эр-хотин Маркслар номидан, уларнинг кўрсатмаси билан иш олиб борган. Маркслар эса Америка банкларида Филиппинга тегишли 100 миллион доллардан кўпроқ пулни гафироқчи йўл билан олишда айбланишган эди.

Хашогги ишга бўлган можароли қизиқчи, қисман, асосан қурол савдоси билан шуғулланадигану биз бизнесменнинг яқинидаги ҳам жаҳондаги энг бой одамлардан бири деб ҳисоблангани билан изоҳланади. Унинг мунд-доллар даражаси 250 миң доллар деб баҳоланган эди. Лекин бир қанча молиявий муваффақиятсизликлардан кейин унинг ишлари орқага кетди ва Хашогги миллиар-дерликдан оддий мулти мил-

Бременда «Кремль олтини» кўрғазмаси

БОНН. ГФРнинг энг йиррик порт маркази — Бремендаги «Юберзеумзеум» музейида ўтаётган «Кремль олтини» Совет виставкасини ҳозирнинг ўзидек қарийб 80 миң киши томоша қилди. Бу ерда Москва Кремлида сақланадиган санъат дурдоналарининг саксондан энед намунаси намойиш қилинган бўлиб, уларнинг деярли ярми Совет Иттифоқидан ташқарига биринчи бор олиб чиқилган. Музей директори вазиросини бажарётган Элизабет Куста телефон орқали қилинган сўхбатда таъкидлашча, «Совет кўрғазмаси» Бремен теваригида исти-жомат қилувчи аҳолинига эмас, шу билан бирга ГФРдаги бошқа районлар — Гур, Бавария, Баден-вюртембергга янги кишилар ҳам келишмоқда. Бу ерда Европа ва Американинг бошқа мамлакатларидан ҳам мутахассислар келишяпти.



Каталоглар ёнида турган бу қиз Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг кадрлар бўлимида ишлади. Инспектор Халима Абдуқудусова ким деса ҳамма билади. Ҳолбуки унинг бу ерда ишлаётгани эндигина уч йил бўлди, холос. Шу вақт мобайнида у ўзининг интизомли ва масъулиятли ходим эканлигини кўрсатди. Ўзига ҳам, бошқаларга ҳам ҳаммис талабчан.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«Масъулиятни унутганлар»

«Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 21 февраль сонидан ана шу сарлаҳа остида фотоянбона босилган эди. Унда кишии паллада шаҳар ҳалқ ҳўналганининг кўпгина соҳаларида ишлар қўндай бораётганини, жойлардаги айрим масъулиятсизлик ҳўллари очиб ташланган эди. Редакция ана шу танқидий мақола оқосидан жавоб хатлари олди.

Амал Икромов район ишлаб чиқариш-турар жойлардан фойдаланиш бirlашмаси директори У. Қосимов нмзоси билан йўлланган хатда, жумладан шундай дейилади:

— «Масъулиятни» унутганлар» мақоласида кўриб чиқилди. Ҳозирги вақтда бино ертўласи қоникерли аҳолида, қўп-қуруқ 24, 3, 1-уйларда истикомат қилаётган аҳолининг шикоятлари қондирилди.

24, 25 ва 30-уйларда истикомат қилаётган кишилар том устини ремонт қилиш масаласида мурожаат қилишган. Ҳозирги пайтда том усти ремонт қилинди, ундан чакка ўтмапти.

РЕДАКЦИЯДАН: ўз вақтида долларб мавзуда тайёрланган фотоянбона газетамизнинг 21 февраль сонидан босиб чиқарилган эди. У шундай жумалар билан бошланган эди: «Қиш — снов даври».

Қаранг, ордан тўрт ойдан анёдроқ вақт ўтибди. Қиш чиқиб баҳор келиши уёнда турсин, айни ёз чилласи пайтида Амал Икромов району мутасадди ташкилотларининг раҳбарларидан мана шундай жавоб келиши уят эмасми? Албатта ҳозир томондан чакка ўтмайди! Чунки чакка ўтадиган қиш ва баҳор фасллари ордан қолди. Демак энди бемалол редакцияга ҳам, аҳолига ҳам бу борада комил ишонч билан жавоб берилса бўлаверади!

«Қачон ишга тушади?»

Газетанинг шу йил 7 апрель сонидан босилган ана шу сарлаҳа остидаги луқмада бир йилдан буён Новомосковская кўчаси бўйлаб янги троллейбус линияси учун сим тортилгани, кейинчилик эса троллейбус юришидан дарак бўлавермагач, одамларнинг тоқати тоқ бўлиб Ойдин, Фирдавсий, Улугбек маҳаллалари аҳолининг Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасига шикоят қилишгани ҳақида сўз юри-тилган эди. Шу бошқарма бошлиғи С. И. Парфёнов нмзоси билан редакция жавоб хати олди. Унда шундай дейилади:

— «Куйбишев» майдонидан Узбекистон ССР 50 йиллиги проспектигача 93 километр узунликдаги троллейбус линияси 1988 йилда монтаж қилиб бўлинган эди. Бу ишни трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг ремонт-қурилиш коллективий адо этган. Бирок электр таъминоти бўлмаганлиги оқибатда троллейбус линиясини ишга тушириш имкони бўлмади. «София» ва «Тимирязев» подстанциялари электр қуввати бермади.

1988 йилда «София» подстанцияси қурилиши муддатларини «Ташвирстрой» бирлашмасига қарашли 2-кўча механизациялашган колонна баш пудратчилари бербод қилишган эди. Фақат шу йилнинг июнь ойидagina мазкур подстанциянинг дастгоҳларини монтаж қилиш бошланди. «Тимирязев» подстанциясида эса «Гордорстройремонт» трестининг 2-ремонт қурилиш бошқармаси баш пудратчи этиб тайинланган эди. Бу коллектив ҳам 1988 йилда мазкур подстанция қурилиши муддатларини бербод қилди ва фақат шу йилнинг март ойидagina дастгоҳлар монтажи бошланди.

Дастгоҳлар монтаж ва кәбеллар эткизиш ишлари «Нихосига» етгач, иккала подстанция 1989 йил 1 сентябрда фойдаланишга топшириш қўзда тутилмоқда. Демак шундан кўриниб турибдики, мазкур троллейбус линияси ҳаракати шу йилнинг 1 сентябридан бошланади.




ХИТОННИНГ 1988 ЙИЛДАГИ ЭНГ ЯХШИ КОРХОНА ЭГАСИ.

1988 йилда ана шу унвога аёл киши — Циндаодаги телевизор заводининг директори Ли Дачжень сазовор бўлган. Шунингдек у ишчилар учун Хитой ҳўкумати таъсис этган «1 Май» медали билан мукофотланди.

Циндао телевизорлар заводи ўтган йили мамлакатнинг 500 энг илгор ва сердаромад корхоналарини сафидан ўрни олди. Корхона ишлаб чиқараётган ўн моделдаги телевизор жаҳон бозоринда рақобатбардор бўлиб қолди. Бундай натижага бирдангина эришилгани йўқ. Ҳамма корхона муваффақиятларини янги директорнинг ишга келиши билан боғламоқда.

46 ёшли Ли Дачжень Шаньдун машинасозлик институти битирган. Уни иқтисодий ислохотлар тўқинида кўтарилган Хитой саноати раҳбар кадрларининг янги авлодига киритиш мумкин. Ҳозир Ли Дачженьни бутун Хитой танийди. Технология жойларининг ўзгаришида, замонавий техника ингликларнинг жорий этишида қатъият ва дадиллик унинг характериға хос. Ли Дачжень бошчилигида Циндаодаги қоқоз 2-радио заводиде олий сифат категориясидан рангли телеприёмникларини ишлаб чиқаришга тўла ўтибди, корхонани бошқариш структурасига туб ўзгаришлар киритилди. Телевизорлар заводи давлатдан 17 миллион ювнь Сийнхуа — ТАСС сурати.





Қайси бола осмонга парвоз қилганини орзу қилмайди! Аммо кўпчилиги болалар учун бу шунчаки орзу бўлиб қолади. Аэроқўшунга қўшни бўлган бу тошкентликлар учун эса бу уларнинг ҳариятига боғлиқ.

«Осмонга йўл ҳамма учун очик» — ўзининг 55 йиллигини нишонлаган Тошкент аэроклубининг шiori ана шундай. Ана шу вақт мобайнида минглаб спортчилар, чинакам мухтаassisлар тайёрланди. Ҳозир уларнинг кўпчилиги грандан авиацияси бўлимларида меҳнат қилапти. Ватанимиз осмонни кўришди.

Клуб ҳар йили юзлаб парашютчилар ва учувчиларни тайёрлаб чиқаради. Билим, тажриба ва муваффақиятга тинмасиз машқлар, кунт билан ўқиш ва қаттиқ интизом натижасида эришилади.

**СУРАТДА:** Бир минутдан сўнг старт берилади. В. Миленький сурати. (УЗАТ)

## Рўзғорда қўлланг

# Маслаҳатлар

◆ Термосга суюқлик қуюётганда, у тикрингача чиқмаслигини ҳамда шаша қолба билан ташқи қоплама оралигидаги бўшлиққа қўйилиб кетмаслигини кузатиб туринг.

◆ Мўйна буюмларини ёзда сақлаш учун пўстин, ёқа ва бош кийимларини уй ҳароратида қуритиш керак. Мўйна кийимларини асрашда нафталин солинади. Нафталинни халтачага солган маъқул, чунки нафталинга тегиб турган мўйлар қорайиб, тўкилиб кетади. Кийимни ип газламага ўраб тикиб қўйиш керак.

◆ Сумка ёки куртқаларга ўрнатилган занжирсимон ёлғич осонгина очилиб-ёпилади.

син десангиз, юмшоқ қалам ичидаги грифни майдалаб, уларга бир неча бор суртиб қўйинг.

◆ Қаттиқ тахтага бурама янх қорқиш осон иш эмас. Миҳ қорқилдиган жойини биғиз билан ўйинг, бурама миҳга эса яхшилаб совун суртинг. Шунда иш осон битади.

◆ Янги супургини намақобли қайноқ сувга 2—3 соат ботириб қўйинг. Шунда у ўз вақтида бундай «ванна қабул қилмаган» супургидан икки-уч барабар ортиқ хизмат қилади.

Абдусамад ОБИДХУЖАЕВ.

## ХАНДАЛАР

Учрашув тугагач, команда тренери ўйинчага деди:  
— Мега 11 метри тўпни киритолмадинг!  
— Дарвозабонини кўрганимда «Меҳмон — отангдан азиз», деган нақд ёдига тушиб кетди, устоз.

◆◆◆

Бадантарбия қилаётган ота ўғлини ёнига чакриб:  
— Айт-чи Дилшод, бакуват бўлиш учун нималарга эътибор бериш керак! — деди.  
— Биринчи навбатда боғча опамиздек кўп оқват ейиш керак, — бийрон жавоб берди ичкингитов.

**Ортиқ МАХМАЮСУПОВ.**

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!  
«Тошкент оқшоми» галереясининг навбатдаги сони 27 июлда чиқади.

Муҳаррир  
**Э. М. ЭРНАЗАРОВ.**

## Реклама ва эълонлар

### ТҮЙЛАР МУБОРАК!

АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОИНИНГ тўй тантаналарида маданий хизмат қилишга мослаштирилган ва замонановий репертурга эга бўлган

### «САМО» АНСАМБЛИ

БАХТ ВА ШОДЛИК ОҚШОМИНИ Кўнгилдаги ДЕК УТКАЗИШДА ХИЗМАТИНГИЗГА ТАБИЕР!

Ансамблини кассага пул тўлаш йўли билан тўйхонага таклиф қилишингиз мумкин.

Буюртмалар олдиндан ҳар куни соат 17.00 дан маданий саройнинг 2-қават, 90-хонасида қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Авиасозлар шаҳарчаси, Лисунов кўчаси. Авиасозлар маданият саройи (15, 23, 48, 72, 154, 164-автобуслар; 3, 23-трамвайларнинг «Маданият саройи» бекати). Метронинг «Чкалов» станциясигача борилади. Телефон: 96-55-81.

### «ВОСТОК» КЛУБИ

«ПАРВОЗ» ХАЛҚ АНСАМБЛИНИНГ РАҚС ГРУППАСИГА

(халқ рақслари)

#### ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Группага 12 ёшдан 35 ёшгача бўлган қизлар ва йигитлар қабул қилинади.

Бадий раҳбар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Насиба МАДРАҲИМОВА.

#### БОЛАЛАР РАҚС ГРУППАСИГА.

Группага 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган қизлар ва ўғил болалар қабул қилинади.

Хоҳловчилар «Восток» клубида ҳар куни соат 10 дан 18.00 гача рўйхатга олинади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй (18, 28, 91-автобуслар; 7, 8, 11, 16-трамвайлар; 4, 8-троллейбусларнинг «Сарғат саройи» бекати).

Справклар учун телефон — 41-05-50.

### Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги

#### С. И. КАДИШЕВ НОМИ 33-АВИАЦИЯ ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйдаги ихтисослар бўйича

1989-90 ўқув йили учун

### Ўқувчилар қабул қилади

Учин аппаратларнинг йиғувчи-слесари, механика-йиғув ишлари слесари, учин аппаратлари деталларини тайёрлаш ва парчилаб иш бажариш слесари, кенг профилдаги станокчи, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, фрезерчи, газ-пайванди.

Билим юртига 8—10 синф маълумотидаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар, шунингдек, Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган ёшлар учун ўқиш муддати — 6-10 ой.

МАНГУЛОТЛАР ГРУППАЛАРИНИНГ КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 1, 2, 3 йил.

1—2 йил таълим олган ўқувчиларга тегишли касб бўйича малака оширганлиги ҳақидаги ҳужжат берилади.

2—3 йил таълим олган ўқувчилар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлаган ўқувчиларга танланган касби бўйича малака оширгани ва ўрта маълумот олгани ҳақидаги диплом берилади.

1 йилгача муддат билан таълим олган ўқувчиларга ойнага 65 сўм стипендия тўланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга ўзлари ишлаб тошган иш ҳақининг 50 фоизи тўланади ва стипендиялари сақлаб қолинади.

Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юрти яхши спорт базасига эга. Авиамодельчилик тўғрисида, миллий чолгу ансамбли, духовой оркестр, вокал чолгу ансамбли ансамбли ва расм чизиб студияси ишлаб турибди.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар олий ўқув юртиларининг кундузги ва кечки бўлимларида, шунингдек олий ҳарбий билим юртига ўқишга юбориладилар.

Кирувчилар қуйдаги ҳужжатларини топширадилар: директор номига ариза, 8-синфни тамомлаганини ҳақидаги ҳужжат ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, тузилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкиси (086/У форма), 6 донна фотосурат (3x4 ва 4x6).

Адрес: 700207, Тошкент шаҳри, генерал Петров кўчаси 331-уй (8, 30, 106, 151, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номи билим юрти» бекати). Телефонлар — 96-58-20, 96-39-72, 96-47-70.

### ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.



### «Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини нашриятининг Меҳнат Қизил Вайроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.



### РЕДАКЦИЯ

АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.



Телефонлар: қабулхона—32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет кўрилиши—32-57-84; экономика ва шаҳар ҳўжалиги—32-54-19; иқтисодий масала — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 32-29-70; «мамоатчилик» редакцияси — 33-98-42, 32-53-66, 32-54-15; «Ташкентская» «Неделя» рекламалар кафедраси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Яхшибадан таъқирин, ҳар куни чиқади.